

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлиги
Бош директори
А. Файзуллаев
2019 йил «29» декабрь

Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлиги
Ҳайъати мажлиси
14-сон баёни

2018 йил 28 декабрь

15 ⁰⁰

Тошкент ш.

- Раислик қилувчи:** А.Файзуллаев – Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Бош директори, Ҳайъат раиси
- Қатнашганлар:** Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Ҳайъати аъзолари, бўлим ва бошқарма бошлиқлари, етакчи экспертлари ва мутахассислари, Ўқув маркази раҳбари ва мутахассислари.

Ҳайъат мажлиси раиси А.Файзуллаев кун тартибини муҳокамага қўйди. Ҳайъат аъзолари томонидан кун тартиби бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан:

1. Интеллектуал мулк объектларини бошқариш бўлими етакчи мутахассиси У.Раҳматуллаевнинг Интеллектуал мулк объектларига муҳофаза ҳужжатларини бериш ҳолати таҳлиliga бағишланган маърузаси тингланди. Аналитик таҳлилда Интеллектуал мулк объектларига берилган муҳофаза ҳужжатларининг статистикаси билан биргаликда ИМО давлат экспертизасининг ижобий ҳулосасидан кейинги давлат рўйхатидан ўтказилмай қолиш ҳолатларининг асосий сабаблари таҳлил қилинди. Шунингдек, PIPS ахборот тизимидаги мавжуд қатор муаммолар, жумладан: “Товар келиб чиққан жой номи” бўлимидаги маълумотлар тўлдирилмагани, “ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базаси” бўлимидаги ўзгартиш киритиш ва ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш функцияларининг мавжуд эмаслиги ҳамда ушбу бўлимга ҳуқуқ эгаси графасини қўшиш зарурлиги, “Товар белгилари” бўлимида миллий рўйхатдан ўтган белгини халқаро рўйхатдан ўтган белгига айлантириш функциясининг мавжуд эмаслиги каби камчиликлар ҳамда baza.imadiz очик базасидан фойдаланувчиларга тўлиқроқ маълумот бериш мақсадида (18/181) “Муҳофаза ҳужжати амал қилиш муддатининг тугаши” графасини қўшиш даркорлиги айтиб ўтилди.

2. «IP-CENTER» ДУК директори ўринбосари В. Аллаяровнинг Интеллектуал мулк соҳасидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув маркази («IP-CENTER») Давлат унитар корхонаси 2018 йил фаолият якунлари бўйича ҳисоботи, мавжуд муаммолар ва асосий фаолият йўналишларини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисобот-маърузаси тингланди.

Шунингдек, Ҳайъат кенгашига Агентликнинг раҳбар кадрлар захираси таркиби тасдиқлаш учун тақдим этилди.

Йиғилишда Ҳайъатнинг 2019 йил биринчи ярим йиллиги учун иш режаси лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

Муҳокамаларда Ҳайъат аъзолари иштирок этиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича қилинган маърузалар, берилган ахборотлар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида Агентлик Ҳайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Интеллектуал мулк объектларини бошқариш бўлими етакчи мутахассиси У.Раҳматуллаевнинг Интеллектуал мулк объектларига муҳофаза ҳужжатларини бериш ҳолати таҳлилига бағишланган маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. **АКТ ва АХТ бошқармаси (А.Джураев)га:** билдирилган фикрлар асосида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилсин, “Товар келиб чиккан жой номи” бўлими тегишли маълумотлар билан тўлдирилсин.

3. **ИМОБ бўлими (А.Аҳмедова)га** келгуси маърузаларда бекор қилинган ёки амал қилиш муддати узайтирилмаган товар белгилари бўйича статистика аке этирилиши тавсия қилинсин.

4. «IP-CENTER» ДУК директори ўринбосари В.Аллаяровнинг «IP-CENTER» Давлат унитар корхонаси 2018 йил фаолият якунлари бўйича ҳисоботи, мавжуд муаммолар ва асосий фаолият йўналишларини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисобот-маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

5. «IP-CENTER» ДУК (М.Мансуров) **ИМБХК бўлими (Б.Раҳимбердиев) билан биргаликда 2019 йил 31 январгача** бўлган муддатда “Ўзбекистонда Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш ва ривожлантириш” лойиҳаси бўйича 2018 йилда амалга оширилган ишлар ҳисоботини БИМТга жўнатилишини таъминласинлар.

6. «IP-CENTER» Давлат унитар корхонаси томонидан «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига асосан ишлаб чиқилган «Интеллектуал мулк соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини такомиллаштириш ишлари **ЮваНХ бўлими (Э.Сагтаров) билан биргаликда** якунига етказилсин.

7. «IP-CENTER» ДУК (М.Мансуров) Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишларини инобатга олиб корхона молиявий-ҳўжалик фаолиятида солиқ тўлаш тартиботларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини, корхонанинг иқтисодий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиб чиқиб, зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

8. Агентликнинг раҳбар кадрлар захираси таркиби тасдиқлансин.

9. Ҳайъатнинг 2019 йил биринчи ярим йиллиги учун иш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Баённи олиб борди

К. Тухтаева

Илова
 Ўзбекистон Республикаси
 Интеллектуал мулк агентлиги
 Хайъатининг
 2018 йил «29» декабрдаги 14-сон
 баённомаси билан

ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Хайъатининг 2019 йил биринчи ярим йиллиги учун
 ИШ РЕЖАСИ**

№	Маъруза мавзуси	Маърузачи	Масъул
ЯНВАРЬ (Очик йиғилиш)			
1.	Агентлик фаолиятининг 2018 йил якунлари натижалари тўғрисида	М. Бобожанов	А. Файзуллаев
2.	Интеллектуал мулк агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатидан келиб чиқадиган 2019 йил учун устувор вазифалари тўғрисида	Э. Саттаров	А. Файзуллаев
3.	Агентлик бўлимлари ва Ўқув марказида 2018 йил иккинчи ярим йиллиги якунлари бўйича ижро интизоми ҳолати тўғрисида	Ф. Раҳимов	А. Файзуллаев
ФЕВРАЛЬ (Ёлиқ йиғилиш)			
1.	Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фолиятида қонун устуворлиги ва қонунийлик таъминланиши аҳволи тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон Қарори асосида)	Э. Саттаров	А. Файзуллаев
2.	Агентликда онлайн хизматларни жорий этиш ҳолати ва муаммолари	А. Джураев	Б. Сағдуллаев

МАРТ (Очиқ йиғилиш)

1.	«Ихтиролар, фойдали модель ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига саноат намунаси объекти бўйича (ишчи гуруҳи хулосаси асосида қайта таҳлил қилинган) ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида	Д. Сайдиева	М. Бобожанов
2.	"Товар белгисига доир гувоҳномага ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги Қоидаларини ишлаб чиқиш тўғрисида	А. Ахмедова	Б. Сағдуллаев
3.	Анъанавий билимлар ва фольклорнинг ҳуқуқий муҳофазаси. Масаланинг халқаро даражадаги ҳолати ва Ўзбекистон учун имкониятлар	Д. Зуфарова	А. Файзуллаев

АПРЕЛЬ (Очиқ йиғилиш)

1.	Агентлик фаолиятининг 2019 йил биринчи чорак яқунлари натижалари тўғрисида	Б. Сағдуллаев	А. Файзуллаев
2.	Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг «Inventor assistance program» дастури ва унда Ўзбекистон Республикасининг иштироки тўғрисида	Б. Раҳимбердиев	А. Файзуллаев
3.	Агентлик бўлимлари ва Ўқув марказида 2019 йил биринчи чорак яқунлари бўйича ижро интизоми ҳолати тўғрисида	Ф. Раҳимов	А. Файзуллаев

МАЙ (Очиқ йиғилиш)

1.	Товар белгисини ҳаммага маълум деб эътироф этишнинг асосий мезонлари тўғрисида. Халқаро тажриба ва Ўзбекистондаги ҳолат. Муаммолар ва ечимлар	Д. Шерматов	М. Бобожанов
2.	Патент фондининг ҳозирги ҳолати, муаммолари ва ечимлари	А. Джураев	Б. Сағдуллаев
3.	Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида	Ў. Ибрагимов	М. Бобожанов

ИЮНЬ (Очиқ йиғилиш)

1.	Ўзбекистонда Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари тармоғини яратиш тўғрисида. Дастлабки натижалар, муаммолар, ечимлар	М. Мансуров	Б. Сағдуллаев
2.	Мамлакат ялпи ички маҳсулотига муаллифлик ҳуқуқининг улуши. Халқаро тажриба ва Ўзбекистон учун имкониятлар	А. Юлдашов	А. Файзуллаев
3.	Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Хайъатининг 2019 йил иккинчи ярим йиллиги учун иш режасини тасдиқлаш	-	К. Тухтаева

Хайъат котиби



К. Тухтаева